

# Бозор цементнинг ижобий кўрсаткичлари фонда 1700 бандни эгаллади


## Ўзбекистоннинг ликвидли акциялар индекси EqRe Blue юқори кўрсаткичларни янгилади

### Қопланишдаги қоғозлар бўйича статистика\*

Акция	02.04.2021 даги қиймат	09.04.2021 даги қиймат	Ўзгариш, %
A016460	22000	20000	-9,09%
KUMZ	900	910	1,11%
KVTS	3350,03	3490	4,18%
QZSM	5200	5500	5,77%
SQBN	15,85	16,45	3,79%
URTS	12000	13888	15,73%
UZMK	46287,9	45000,01	-2,78%
TKVK	470000	490000	4,26%
KSCM	1000000	999999	0,00%


\* uzse.uz маълумотлари

### EqRe Blue индекси динамикаси\*, 1 йил



\* eqre.uz янгиликлари

### Динамика USD/UZS динамикаси\*, 1 йил



\* investing.com маълумотлари

**Бехрузбек Очиллов, ACS1**  
 инвестициялар бўйича таҳлилчи  
 (+998) 99 857 17 84 | bochilov@ffin.uz

Ўтган ҳафтада бозор сезиларли даражада кўтарилиб, EqRe Blue ликвидли акциялар индекси 5,45% қўшиб, 1753,21 нуқтада ёпилди. Шу билан бирга, UCI биржа индекси "Универсал Суғурта" АЖ (UNSU) акцияларини коррекцияси туфайли 5,13% йўқотди. Шу билан бирга, UNSU капитализацияси ҳали ҳам 11,55 триллион сўмни ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, бозорни ўзқурилишматериаллари цемент ишлаб чиқариш компанияларининг ўсиш суръатлари тўғрисидаги янгиликлари ҳаракатга келтирди – фойда олувчилар цемент компаниялари - "Қизилцумцемент" (QZSM) ва "Қувасойцемент" АЖ (KSCM), шунингдек цементнинг салмоқли улуши бўйича танлов ўтказиладиган ЎзРТХБ (URTS) АЖ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, QZSM янги линиясининг давом этаётган қурилиш жараёни ҳақида видео жойлаштирилди, бу ўсиш учун катализатор вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Тошкентвино комбинати (TKVK) акциялари бизнинг нархимиздан юқори савдони амалга оширган ҳолда **ўз салоҳиятига етди**.

"ЎзСҚБ" АТБ (SQBN) акциялари 16 сўмдан юқори нарх даражасида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда ва "Кварц" (KVTS) акциялари 3500 сўмлик қаршилиқ даражасининг синдиришга ўтмоқчи.


### Мухим янгиликлар

- **Freedom Finance** билан биргаликда "Инвесторлар жанги" танловида қатнашиш учун аризалар қабули старт олди. 5 майдан 31 июлгача истаган инвесторлар ликвидлик акцияларга - **EqRe Blue** индекси ва **FDGR1** облигациялари компонентларига сармоя киритиш орқали биржада даромадлилик ва қимматбаҳо совғалар учун рақобатлашишлари мумкин.
- Ўзқурилишматериаллари прогнозига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда 16,4 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилади – бу ўтган йилга нисбатан 31,2% кўпроқ. Бироқ, ўсишнинг ярми 2020 йилда қурилган учта янги заводга тўғри келади. Жорий йилда яна 11 та завод ишга тушиши кутилмоқда, бу эса цемент ишлаб чиқариш ҳажмини 54 фоизга оширади. Бу билан 2022 йилда 25,3 тонна цемент ишлаб чиқаришга эришилади. Шу билан бирга, 17.03.2021 даги 5031-ПҚга кўра, 2022 йилдан цементнинг сезиларли улуши биржа савдоларига ўтказилади. Айни пайтда йилига фақат 8,8 тонна цемент ЎзРТХБ АЖ орқали сотилади. Бозор ўсиши ва ислохотлари туфайли ЎзРТХБ АЖ потенциал равишда цемент савдоларини 25,3 тоннагача ёки 0,54 миллион доллардан 1,57 миллион долларгача ошириши мумкин (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 62 доллар цемент баҳосида).
- "Капиталбанк" АТБ (КРВ4) нинг 7 йиллик облигациялари муваффақиятли жойлаштирилди - бир кунда эмиссия ҳажмининг 84 фоизи - 42 млрд. сўмлик савдо амалга оширилди.

## Бозор харитаси: қопланишдаги қоғозлар

Номи	Тикер	Хафталик ўзгариш, %	Иил бошдан бери ўзгариш, %	Мақсадли нарх	Потенциал	Жорий катализаторлар	Шарҳлар
Кварц	KVTS	4,18%	9,71%	4700	35%	Компания даромади сезиларли даражада кўпайишига олиб келадиган ясси шиша ишлаб чиқариш учун янги линия 2021 йил 21 мартга тайёр бўлади.	2020 йилнинг Q3 маълумотларига асосланган таҳлил
Қизилқумцемент	QZSM	5,77%	41,43%	4930	-10%	Цемент клинкерининг янги ишлаб чиқариш линияси 2021 йил охирига қадар тайёр бўлади.	2020 йилнинг Q4 маълумотларига асосланган таҳлил
КМЗ	KUMZ	1,11%	1,11%	1136	25%	Компания ўзининг соф фойдасини тиклашни режалаштирмоқда. Ялпи фойда маржиналлиги ўсиб бормоқда.	2020 йилнинг Q2 маълумотларига асосланган таҳлил
Ўзворцветмет	A016460	-9,09%	100,00%	18020	-10%	Даромадлар таркибида экспортнинг юқори улуши валюта хавфи, жисмоний шахслардан металллом қабул қилишнинг кўпайиши ва рангли металллар парчаларини йиғиш бўйича монополияни камайтиради. Компания 2020 йилда юқори дивидендларни тўлаган ва 2021 йилда ўз фойдасининг 30 фоизини дивидендларга сарфламоқчи.	2020 йилнинг Q2 маълумотларига асосланган таҳлил
Ўзметкомбинат	UZMK	-2,78%	40,63%	55100	22%	Бир қатор сармоявий лойиҳалар 2025 йилга келиб компания даромадларини уч баравар оширади.	2020 йилнинг Q3 маълумотларига асосланган таҳлил
ЎзСҚБ	SQBN	3,79%	6,13%	18,03	10%	Манлакатдаги энг йирик банк ўз капитали, соф фойдаси ва фоиз даромадларини муттасил ошириб бормоқда.	2020 йилнинг Q4 маълумотларига асосланган таҳлил
ЎзРТХБ	URTS	15,73%	73,60%	14800	7%	Сўнги 12 йил юқори дивидендларни тўлаш тарихи ва кўрсаткичларни динамик ўсиши билан ажралиб туради. Компания тарихан ўзининг соф даромадининг камида 50 фоизини дивидендларни тўлаш учун сарфлаган.	2020 йилнинг Q4 маълумотларига асосланган таҳлил
Тошкентвино	TKVK	4,26%	40,00%	482000	-2%	Завод юқори суръатлар билан ривожланмоқда, янги ишлаб чиқариш цехлари ва шароб омбори қурилмоқда.	2020 йилнинг Q3 маълумотларига асосланган таҳлил
Қувасойцемент	KSCM	0,00%	80,00%	1622000	62%	Амалдаги бозор нархида завод тубдан паст баҳоланган ва компаниянинг ўзи махсулот сифати учун қатор халқаро мукофотларга эга.	2020 йилнинг Q3 маълумотларига асосланган таҳлил


## Бозор харитаси: белгиланган даромад, USD



\* Сотувга қўйилмаган  
\*\* Тўлиқ жойлаштирилган

Эмитент	Қоплаш муддати	Номинал	Даромадлилик	Мавжуд қоғозлар	Сотилган қоғозлар	Эслатма
FDG	1 йил	1 млн сўм	8%	0	5125	Тўлиқ жойлаштирилган, 24.02.2021 йилдан бошлаб мурожаат қилинган

## Бозор харитаси: белгиланган даромад, сўм



\* Сотувга қўйилмаган  
\*\* Тўлиқ жойлаштирилган

Эмитент	Қоплаш муддати	Номинал	Даромадлилик	Мавжуд қоғозлар	Сотилган қоғозлар	Эслатма
Imkon Finans	3 йил	1 млн сўм	23%	4000		Фақат юридик шахслар учун

Ушбу ҳисобот «Freedom Finance» МЧЖ ХК (Ўзбекистон) таҳлилчилари томонидан тайёрланган. Ҳар бир таҳлилчи ушбу ҳисоботда ҳар қандай қимматли қоғоз ёки эмитентга нисбатан белгиланган барча позициялар шахсий қарашларини аниқ акс эттиришини тасдиқлайди. Ушбу ҳисоботда келтирилган ҳар қандай тавсия ёки фикр ушбу ҳисобот эълон қилинган пайтдаги қарор ҳисобланади. Ушбу ҳисобот Компаниядан мустақил равишда тайёрланган ва унда келтирилган ҳар қандай тавсиялар ва фикрлар фақат таҳлилчининг нуқтаи назарини акс эттиради. Тақдим этилган фактларнинг аниқлиги, тавсиялар ва фикрларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини таъминлаш учун таҳлилчиларнинг ҳеч бири, Компания, унинг директорлари ва ходимлари ушбу ҳисобот таркибининг ҳақиқийлигини текширмаганлар. Шунга қўра таҳлилчиларнинг ҳеч бири, Компания, унинг директорлари ва ходимлари ушбу ҳисоботнинг мазмуни учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммаларига олмайди. Шу сабабли ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар аниқ, ҳаққоний ёки тўлиқ деб ҳисобланмайди. Ушбу ҳисобот ёки унинг таркибини ишлатишда ёки ушбу ҳисобот билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган зарарлар учун бирон бир шахс ҳеч қандай тарзда жавобгар бўлмайди. Ҳар бир таҳлилчи ва / ёки у билан боғлиқ бўлган шахслар ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар, нашр этилишидан олдин ушбу ҳисобот учун асос бўлган таҳлилий иш натижаларига мувофиқ чора кўришлари ёки ундан фойдаланишлари мумкин. Ушбу ҳужжатда келтирилган маълумотлар ҳар қандай олувчи ёки бошқа шахс томонидан Компаниянинг қимматли қоғозларига нисбатан инвестиция қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Ушбу ҳисобот корхона, унинг активлари ёки қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш учун эмас. Ўтган рентабеллик келгусидаги инвестиция даромадлари кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Инвестиция объекти сифатида қимматли қоғозларни танлаш ва шунга мувофиқ ушбу танловнинг натижалари инвесторнинг таваккалига боғлиқ.